ХХСРДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қ.РАЖАБОВ

В статье рассматривается экономические процессы в ХНСР. Автор на основе изучения архивных документов и периодической печати скрупулезно освещает эту проблему.

In this article are considered the economic processes in XNSR. The author mentioned the basis of study of the archival documents and periodic press of this problem.

Хивада қизил аскарлар томонидан хонлик тузуми ағдариб ташлангач, 1920 йил 2 февралда Ёш хиваликлар партияси аъзоларидан иборат Муваққат инқилобий қўмита (ревком) тузилди ва унга раис қилиб Мулла Жуманиёз Султонмуродов тайинланди. Бу қўмита икки ой давомида ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижро қилувчи ҳокимият вазифасини бажарган. 9 апрелда ўн кишидан иборат дастлабки халқ ҳукумати – Нозирлар Шўроси ташкил қилинди [10.11;2.14-15]. Хиванинг сўнгги хони Саид Абдуллахон тахтдан ўз ихтиёри билан воз кечган.

1920 йил 26-30 апрелда Бутун Хоразм халқ вакилларининг 3 қурултойида Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) ташкил топган. Қурултойда 15 кишидан иборат республика ҳукумати –ХХСР Халқ Нозирлар Шўроси (раиси Полвонниёз Ҳожи Юсупов) тузилган. Улар Хоразмда ағдариб ташланган хонлик ҳукумати ўрнига демократик республика қуриш учун ҳаракат қилишган.

Хоразмдаги Муваққат инқилобий ҳукуматнинг дастлабки қабул қилинган қарорларидан бири – “Хоннинг мулки тўғрисида”ги декретга кўра Хива хони, унинг қариндош–уруғлари ва ворисларига қарашли бўлган кўчмас мулклар тортиб олинди ва ҳукумат ихтиёрига топширилди. Халқ Нозирлар Шўроси таркибида ташкил этилган дастлабки еттита нозирлик ичида молия нозирлиги (молия нозири – Матпанобой Мадраҳимов) ва халқ хўжалиги нозирлиги (нозир – Эшчонқори Жабборқулов) ҳам бўлиб, улар бевосита иқтисодиёт билан шуғулланганлар [9.59].

Кейинчалик Бутун Хоразм халқ вакилларининг I қурултойида зироат нозирлиги (қишлоқ хўжалиги нозирлиги) ташкил қилинди ва унга ёш республикада ер-сув ишлари билан шуғулланиш вазифаси юклатилди. ХХСР зироат нозири лавозимига Ҳаким Бобожонов сайланди. Бундан ташқари ушбу қурултойда Муҳаммадпанобой Абдуллаев молия нозири лавозимини (Матпанобой Мадраҳимов ўрнига) ҳам эгаллади [4.186-187].

ХХСР Зироат нозирлиги дастлаб хон ва унинг амалдорлари, йирик ер эгаларига қарашли ер-мулклар, тўқай ва кўллар, меҳнат қуроллари ва иш ҳайвонлари ҳамда уруғлик донни мусодара қилиб

(ҳужжатда национализация қилинади, деб ёзилган), уларни қизил армия оилаларига, ерсиз ва кам ерли деҳқонларга тақсимлаб берди. 1920 йил апрель – 1921 йил март ойларида бу нозирлик давлат ғазнасига 2 млн. сўм даромад туширди [11.107].

Янги ҳукуматнинг "вақф ерларини бошқариш тўғрисида"ги декретига мувофиқ дастлаб вақф ерлари тортиб олинмади, бироқ вақф мулкидан фойдаланиш давлат назоратига олинди. Вақфдан келадиган даромад ва уни тақсимлаш ишлари билан маориф нозирлиги (нозир – Бекжон Раҳмонов) шуғулланган [9.59-60].

1920–1921 йиллар давомида ХХСРда мусодара қилинган ерлар ҳисобига камбағал деҳқонлар, қароллар (батраклар), беватанлар, корандалар ва вақфчиларга 10000 десятина ер бўлиб берилди. Шунингдек, уларга қишлоқ хўжалик асбоб ускуналари, уруғлик, чорва моллари, уй-жой ва бошқа нарсалар ҳам берилди [1.45].

1921 йил 4–11 декабрда Хива шаҳрида бўлиб ўтган ерсиз ва кам ерлик деҳқонларнинг биринчи қурултойи уларни ер-сув, иш ҳайвонлари, меҳнат қуроллари, уруғлик дон, ссуда билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Қурултойда озиқ-овқат солиғи, ерсиз ва кам ерли деҳқонлар иттифоқининг асосий масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги банки ташкил қилиш масаласи ҳам кўрилди. Ушбу банкнинг асосий вазифаси ерсиз ва кам ерлик деҳқонларга қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, иш ҳайвонлари, уруғлик ва бошқа нарсалар олиши учун қисқа муддатли қарз беришни ташкил қилишдан иборат эди [7.11-12].

1920-1921 йилларда ХХСРда аграр соҳада дастлабки ўзгаришлар амалга оширилиб, 10000 десятина ер деҳқонларга бўлиб берилди. Бундан ташқари уларга уруғ, деҳқончилик асбоблари ҳамда ссуда (қарз) ажратилди. Деҳқонларга кредит ҳисобидан 5000 чорва мол сотилди. Эски суғориш иншоотларини қайта тиклаш билан бирга янгилари ҳам қурилди. Масалан, 1922 йил охиригача Хоразм деҳқонлари Ҳазораспдан Хўжайлигача бўлган ҳудудда 12 та дамба қурдилар. 1922 йилда чоракор ва камбағалларга ер бўлиб бериш учун давлат ер фонди тузишга ҳамда деҳқонларга узоқ муддатли ва қайтариб олинмайдиган ссудалар бериш учун давлат деҳқонлар банкини таъсис этишга қарор қилинди. Банкка 3 млрд. сўм маблағ ажратилган. Хуллас, 1921–1922 йилларда 400000 танобдан ортиқроқ ер камбағал деҳқонларга берилди [12.24].

ХХСРда иқтисодий сиёсат ва хўжалик соҳасидаги ислоҳотлар зиддиятли тарзда кечди. Хоразм Республикасидаги солиқ сиёсатида совет Россиясининг таъсири кучлироқ бўлгани учун синфий ёндашув яққол намоён бўлди. Солиқнинг оғир юки савдогарлар, судхўрлар ва йирик ер эгалари зиммасига тўғри келди. 1922 йил декабрда қишлоқ хўжалигида ягона солиқ тизими жорий қилинди. Солиқ тўлашни тўғри йўлга қўйиш мақсадида давлат банки ва солиқ палатаси ташкил қилинди. 1923 йил июнда ҳунармандчилик ва саноат соҳасидаги солиқлар ҳам бир тизимга солиниб, давлат саноат солиғи жорий қилинди. Янги иқтисодий сиёсат (НЭП)нинг эълон қилиниши билан ХХСРда карвонсаройлар, корхоналар, кўллар ва тўқайлар ижарага берила бошланди. Телефон симлари тортилиб, дарё кемачилигини тиклашга киришилган. Бир қанча йирик кўприклар қурилди. Пахта майдонларининг ҳудуди 1921 йилдаги 10000 танобдан 1924 йилда 85000 танобга, ҳосилдорлик 100000 пуддан 800000 пудга кўтарилди. Умумий экин майдонлари 1913 йилдаги даражанинг 62%ини, ҳосилдорлик 70–75%ни ташкил қилди. 1924 йилга келиб, 6 та пахта тозалаш заводи, 10 та ғишт заводи, ёғ заводи, босмахона, электростанция тиклашди, қоғоз ва шиша заводлари қурилди. Саноатда давлат сектори устувор мавқени эгаллади [5.483-485].

ХХСРнинг ёш ҳукумати БХСР, Туркистон АССР, РСФСР давлатларидан ташқари Финляндия, Швеция, Германия, Туркия, Афғонистон, Эрон каби хорижий давлатлар билан ҳам мустақил равишда савдо-сотиқ, иқтисодий алоқаларни олиб боришга ҳаракат қилган. Хусусан, Финляндия билан савдо–сотиқ алоқалари самарали бўлган.

1922 йил 5 январда Хива шаҳрида республикада биринчи марта истеъмол ширкатлари ташкил қилинди. Унга ХХСР ҳукумати томонидан 400 олтин ақча миқдоридаги маблағ қайтариб бермаслик шарти билан ажратилди [14.180]. Шунингдек, кооперация уюшмаларини ривожлантиришда ерсиз ва кам ерлик деҳқонларнинг 1922 йил декабрда бўлиб ўтган II қурултойи алоҳида аҳамият касб этди. Қурултой ерсиз ва кам ерлик деҳқонлар вакилларининг ҳукуматдан 500 млн. сўм маблағ ажратиш ҳақидаги илтимосини якдиллик билан қўллаб-қувватлади. Шундан сўнг республикада қисқа вақт ичида 8 жойда истеъмол ширкатлари вужудга келди ва Хива шаҳрида унинг марказий бошқармаси ташкил қилинди [13.75].

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши томонидан ташкил қилинган Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик банки Хоразмдаги кооператив ҳаракатини жонлантириб юборди. 1923–1924 йилларда кооператив истеъмол ширкатлари томонидан пахта етиштиришдан ташқари яна 16000 пуд арпа ва дуккакли экинлар, 90000 дона қоракўл тери, 25000 дона ҳайвон терилари, 30000 пуд буғдой, 90050 пуд шоли, 16000 пуд кунжут ва зиғир ёғи каби хом ашё маҳсулотлари тайёрлашга муваффақ бўлинди [14.184].

Камқувват деҳқон хўжаликларининг иқтисодий аҳволини кўтаришда 1923 йил 19 февралда ташкил қилинган Россия–Хоразм давлат пахтачилик ширкатларининг аҳамияти катта бўлди. Россия Бош пахтачилик қўмитаси ва Хоразм Иқтисодий Кенгаши ташкилотлари бу кооперативнинг асосчилари эдилар. Ушбу кооператив ширкатларнинг 500000 сўм миқдорда (олтин ҳисобида) маблағи бўлиб, Хива, Ҳазорасп, Гурлан, Тошҳовуз, Манғит ва Хонқада унинг алоҳида бўлимлари мавжуд эди. Республиканинг ушбу туманлари ва шаҳарларида йиғилган пахтани қайта ишлаш мақсадида олтита пахта тозалаш заводлари, пунктлари қурилди ва ишга туширилди [1.46].

Бироқ Россия пахта ширкатлари деҳқонлардан олинадиган пахта харид нархини пасайтириб юборди. ХХСР МИҚнинг биринчи котиби, хорижия нозири, Хоразм пахта ширкатининг бошлиғи Ҳаниф Каниев ва ХХСР Савдо ва саноат нозири Муҳаммадраҳим Нуруллаев пахтанинг харид нархини кўтариш ва шу асосда деҳқонлар манфаатдорлигини ошириш мақсадида пахта савдосида эркин нархни, яъни янги иқтисодий сиёсат асосида савдо юритишни талаб қилдилар. Лекин Марказнинг ХХСРдаги ваколатли эмиссарлари кўрсатмаси билан Ҳ.Каниев ва М.Нуруллаев “халқ душмани” сифатида айбланди ва ўлим жазосига ҳукм қилинди. Улар билан бирга ишлаган кўплаб маҳаллий ходимлар ҳам турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар [8].

ХХСРдаги мавжуд саноат корхоналари, маҳаллий устахоналар ва ҳунармандчилик корхоналари ҳам қизил армиянинг ҳужуми ва мухолифат уруши натижасида издан чиққан эди. 1920 йил сентябр–октябрда маҳаллий саноат корхоналари (улар асосан ҳунармандчилик устахоналари эди) билан биргаликда россиялик капиталистларга қарашли бўлган корхоналар ҳам большевиклар томонидан национализация қилиниб, саноат соҳасида давлат сектори шакллантирилди. Давлат секторига ўтказилган саноат корхоналари зиммасига Урганч шаҳридаги “Ярославль катта мануфактураси” пахта тозалаш заводи, Тошҳовуз, Манғит, Янги Урганч, Гурлан пахта тозалаш заводлари кирарди [6.225].

1923 йилга келиб давлат тасарруфига олинган корхоналардан 6 та пахта заводи, 4 та тери заводи, 10 та ғишт заводи ва ёғ заводи тикланиб, ишга туширилди. Шунингдек, бу даврга келиб маҳаллий ҳунармандчилик устахоналари ҳам ривожлана бошлади. Биргина Хива шаҳрида 1923 йилда 120 га яқин темирчилик устахонаси, 131 та дурадгорлик устахонаси, 50 та бўёқчилик ҳамда 136 та терини қайта ишлаш кичик корхоналари фаолият кўрсатиб, уларда 2058 ҳунарманд иш билан таъминланган эди [3.72]. Бироқ бу корхоналар Хоразм Республикаси эҳтиёжларини қондира олмас, борлари ҳам Россия корхоналари учун хом ашё тайёрлаб беришга ихтисослаштирилган эди.

1922 йил 25 мартда РКП(б) МК Сиёсий бюроси Хоразм Коммунистик партияси МКига хат юбориб, унда Ўрта Осиё республикаларининг ташқи савдо, сув хўжалиги, темир йўл алоқаси каби муҳим тармоқларини бирлаштириш лозимлигини ва бунинг учун аложида хўжалик ташкилоти зарурлигини билдирди. Бу масалалар 1922 йил 5 февралдан 27 апрелгача РКП(б) МК ва РКК(б) МК Ўрта Осиё бюроси иқтисодий комиссиярлари томонидан кўриб чиқилди.

Ўрта Осиё Иқтисодий кенгаши (Средаз ЭКОСО)нинг тазйиқи натижасида 1923 йил ёзида Хоразмдаги миллий валюта РСФСР рублига (10 Хоразм сўмига 1 РСФСР рубли нисбатида) алмаштирилган эди. 1924 йилдан бошлаб Хоразм Республикаси ҳам худди БХСР сингари СССРнинг ягона банк ва молия тизимига тўлиқ тортилди. ХССР армиядан кейин давлат мустақиллигини муҳим тимсоли бўлган миллий валютадан ҳам маҳрум қилинди.

ХХСР Давлат режаси бошқармасининг биринчи раиси лавозимига 1923 йил апрель ойида Марказ вакили профессор Г.Н.Черданцев тайинланди. У Хоразм Республикаси халқ хўжалигининг биринчи йиллик режасини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилди. Режа 1923 йил август ойида ХХСР МИК Президиумида муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Хоразм Республикасининг 1923 йил августидан 1924 йил сентябр ойигача мўлжалланган давлат бюджетида даромад қисми 1129211 сўм, харажатлар қисми эса 1312320 сўм қилиб белгиланди [15.1-5].

Шундай қилиб, Хоразм Халқ Совет Республикаси ҳам иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тобора Марказга бўйсундирилиб, ўз мустақиллигини йўқота борди.

Адабиётлар:

1. Хоразм тарихи. 2-жилд. Масъул муҳаррир М.Матниёзов. – Урганч: Хоразм, 1997
2. Маткаримов М. Хоразм республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч: Хоразм, 1993
3. Экономическая история советского Узбекистана (1917–1965 гг.). –Т.: 1966
4. Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Т.: 2001. –Б.186-187.

5. Ражабов Қ. Хоразм Халқ Совет Республикаси // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.9.- Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2005. Б.483–485.
6. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2–китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000.
7. Жизнь национальностей.- 1922.- №4.- С.11–12.
8. “Инқилоб қуёши”.- 1922, 19 апрель.
9. ГАРФ, ф-1518, оп.1. д.715
10. Ўзбекистон МДА, 71–фонд, 1–рўйхат, 1–иш.
11. Ўзбекистон МДА, 71–фонд, 1–рўйхат, 4–иш.
12. Ўзбекистон МДА, 71–фонд, 1–рўйхат, 18–иш.
13. Ўзбекистон МДА, 73–фонд, 1–рўйхат, 88–иш.
14. Ўзбекистон МДА, 2027–фонд, 1–рўйхат, 1–иш.
15. Ўзбекистон МДА, 2027–фонд, 1–рўйхат, 1–иш.

ЎзР ФА Тарих институти
2011 йил 9 сентябрда қабул қилинган